

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД. 03/30.12.2019. Тағ.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРДАЕВ ТОШКЕНТБОЙ РАЖАБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (1945-1991 й.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТЕРМИЗ -2021

УДК:94(575.1) 1945/1991

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктори наук (DSc)

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences (DSc)

Пардаев Тошкентбой Ражабович

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт
(1945-1991 й.)3

Пардаев Тошкентбой Ражабович

Социально-экономическая и культурная жизнь на южных территориях
Узбекистана (1945-1991 г.)29

Pardiyev Toshkentboy Rajabovich

Socio-economic and cultural life in the southern regions of Uzbekistan (1945-1991)
.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРДАЕВ ТОШКЕНТБОЙ РАЖАБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (1945-1991 Й.)**

07.00.01 – “Ўзбекистон тарихи”

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**



ТЕРМИЗ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида** В2019.4.DSc/Таг92 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@mail.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Турсунов Сайлулла Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Обломуродов Нани Ҳалимович
тарих фанлари доктори, профессор

Ражабов Кахрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Ғафоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор

Ётақчи танкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD 03/30.12.2019. Таг 78 02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 25 XI куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, "Барқамол авлод" кўчаси, 43-уй ТерДУ, 2-бино 4-қavat, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: termizdu@mail.uz

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 32 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Термиз шаҳри, "Барқамол авлод" кўчаси, 43-уй) Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2021 йил «15» XI кунини тарқатилди.
(2021 йил 15 XI даги 32 рақамли реестр баённомаси билан)




С.Т.Давлатова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси уринбосари, т.ф.д.


Х.Э.Холмуминов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш аъзоби, т.ф.н, доцент.


Э.А.Қабулов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кучайиб бораётган глобаллашув жараёнлари, аҳоли сонининг усиши, ишлаб чиқарини жараёнларининг интеграциялашуви минтакалараро ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу сабабдан ҳар бир минтақанинг ривожланиш имкониятларини излаб топиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан БМТнинг минг йиллик ривожланиш дастури доирасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Шунга қарамайдан кўпгина ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти билан боғлиқ муаммолар ўзининг объектив ечимини кутмоқда.

Дунё миқёсида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи, совет мафқурасининг жамият ривожига кўрсатган салбий оқибатлари, ўлкадаги иқтисодий ўзгаришлар, совет даврида ўлкадаги ижтимоий ҳаёт ва у билан боғлиқ муаммолар, жанубий ҳудудлардаги демографик ҳолат, урбанизация жараёнлари, ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг натижалари каби муаммолар устувор мавзулар сифатида кенг ўрганилмоқда. Тадқиқотлар натижалари бу масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, замон талаблари асосида модернизация қилиш, рақобатбардошлигини ошириш, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, “ҳудудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий ҳом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини кўтариш муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилмоқда”¹. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепсиясида”² белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда соғлом рақобат мувозанатини таъминлаш, уларни замон талаблари доирасида модернизация қилиш имконини бериб, бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Ушбу ислохотларнинг ижобий натижадорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли тарихий босқичлардаги хусусиятларини таҳлил этиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 8

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/hsis/view/129>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. // Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь

августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”, 2020 йил 16 октябрдаги ПҚ-4864-сон “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион гоғлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ҳозирги даврда худудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз маркази (French Institute for Central Asian Studies (IFEAC), Франция), Center for Russian and East European Studies, Illinois University (Chicago), Indiana University, Harvard University, (The Central Asia Program (CAI) at George Washington University, АҚШ), Гарвард университети Россия ва Евроосиёни тадқиқ қилиш маркази (The Davis Center for Russian and Eurasian Studies at Harvard University, АҚШ), Сеул Миллий университети (The Seoul National University Asia Center (SNUAC), Корёя Республикаси), Германиянинг Frankfurt University, Гумбольдт университети (Humboldt-Universität zu Berlin, Германия), International relations multidisciplinary doctoral school (Польша), Будапешт Корвинус университети (The Center for Central Asia Research of Corvinus University of Budapest, Венгрия), Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Россия Федерацияси) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: Совет мамлакатларидаги иқтисодий ўзгаришларнинг миқтақа ҳаётига таъсири, пахта саноатининг шаклланиши, колхозлардаги миграциялар, мусулмон жамиятидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий асосланган хулосалар берилган (French Institute for Central Asian Studies (IFEAC), Франция); ўлкадаги иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, хўжалик ва сугориш тизимлари юритилиши бўйича маълумотлар келтирилган

³Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://ifeac.hypothesys.org/>; <https://www.centralsiastudiesprogram.org/>; <https://daviscenter.fas.harvard.edu/research-initiatives/program-central-asia>; <https://snuaec.snu.ac.kr/eng/index.php/research/regional-research/center-for-eurasian-and-central-asian-studies/>; <https://www.maw.lut.be/in.de/de>; <http://www.cccar.hu/>; <http://ias.msu.ru/index.php/ru/>

(The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia, AQSH); совет даврида Ўрта Осиёда ижтимоий ҳаёт ва у билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган (Harvard University, AQSH), Ўзбекистон ССР доирасида, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида кишлоқ ҳужалигининг ҳолати, юритилиш усуллари ва кўрсаткичларига оид маълумотлар келтирилган (Russian Research Institute, AQSH); совет ҳокимиятининг ўлкада олиб борган маъмурий сиёсати натижасидаги иқтисодий жараёнлар, юзага келган ижтимоий муаммолар ва уларни бартараф этиш имкониятларига доир масалаларга ечимлар таклиф қилинган (The Central Asia Program (CAP) at George Washington University, AQSH); социалистик иқтисодий тизим инкирози натижасида юзага келган ҳолатни ижтимоий трансформациялар орқали шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмиари кўрсатиб берилган (The Davis Center for Russian and Eurasian Studies at Harvard University, AQSH); совет иттифоқи парчаланганидан сўнг Марказий Осиёдаги чегаравий ва чегара олди ҳудудларида товарлар, капитал ва кишилар оқимининг ҳаракатланиши, кундалик турмуш тарзида ислом дини омиллари каби масалалари бўйича асосланган назарий тавсиялар ишлаб чиқилган (The Seoul National University Asia Center (SNUAC), Корея Республикаси); совет давлати мафкурасининг жамият ривожига кўрсатган салбий оқибатлари очиб берилган (Frankfurt University, Германия); Амударё ҳавзасидаги табиий ўзгаришлар натижасида юзага келган инкирозли ҳолатлар, қашшоқликка қарши кураш борасида ҳудудда шаклланган стратегия ва тажрибалар натижалари таҳлил қилинган (Humboldt-Universität zu Berlin, Германия); пахта яккахокимлиги туфайли мажбурий миграцияни келтириб чиқарганлиги очиб берилган (International relations multidisciplinary doctoral school, Польша); геосиёсий ва геонқтисодий ўзгаришлар, турли лойиҳаларни жорий этишга уринишлар шароитида ҳудудларни барқарор ва тезкор иқтисодий ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқилган (The Center for Central Asia Research of Corvinus University of Budapest, Венгрия), ҳудуддаги миллий иқтисодий тузилмалари ва тақдор ишлаб чиқариш жараёнларини қиссий ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни моделлаштириш ва башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Россия Федерацияси).

Совет давлатининг миллий республикаларга нисбатан тутган сиёсати, халқ ҳужалигининг марказлаштирилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири масалаларини ўрганишга доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлардаги тадқиқотлар давом этмоқда: коммунистик мафкуранинг жамият ривожига салбий таъсири, совет ҳукумати бошқарув тизимининг хусусиятларини очиб бериш, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, халқ ҳужалигини режалаштириш масалаларининг зиддиятли томонлари, пахта якка ҳокимлигининг вужудга келиши ва унинг салбий оқибатларини кўрсатиб бериш, ишлаб чиқаришни миллий ва малакали кадрлар билан таъминлашдаги муаммолар, социалистик меҳнат тақсмотининг зиддиятли томонларини очиб

бериш, худудлардаги демографик ҳолат, урбанизация жараёнлари, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ масалалардаги муаммоларни таҳлил қилиш, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, совет мафқурасининг ҳаётга салбий таъсирининг оқибатларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг 1945-1991 йиллар оралигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихига бағишланган турли адабиётларда илмий жиҳатдан таҳлил этилган ва ўрганилаётган даврнинг хусусиятлари очиб берилган. Бирок, бу тадқиқотлар умумий характерга эга бўлиб, худудлар кесимида тулақонли тарзда таҳлил этилмаган. Шунга қарамадан, мавзуга тааллуқли илмий тадқиқот ишлари ва адабиётларни тарихшунослик юзасидан уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ бу совет даврида яратилган адабиётлар бўлса, иккинчи гуруҳ мустақиллик даврида чоп қилинган адабиётлар сирасидир. Учинчи гуруҳни эса хорижда нашр этилган тадқиқотлар ташкил қилади.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар совет тузуми йилларида яратилган бўлиб, ушбу адабиётлар коммунистик дунёқараш ҳукмронлиги доирасида совет мафқурасининг нуқтан-назаридан келиб чиқиб, воқеликка ёндошган. Нағижда тарихий воқелик бир томонлама таҳлил этилиб, фақат ётуқлар ва қулга киритилган марралар баён қилинган. Совет даврида Ўзбекистонда сапоатнинг ривожланиши ва саноат корхоналарининг қурилишига бағишланган қатор илмий асарлар ҳам яратилди. Булар орасида ўрганилаётган мавзуга бевосита алоқадор бўлган С.Зиёдуллаев, Ж.Улмасбоев, В.Кудряшов, К.Қосимов, Х.Жураев, С.Қорабоев, Ш.Р.Марасулов, О.Журакулов, А.Уролов ҳамда К.Каримовларнинг асарларини келтириш мумкин⁴. Шунингдек, тадқиқ этилаётган даврда Ўзбекистонда индустрия тарихига бағишланган қатор диссертация ишлари ҳам бажарилди. Буларга Ф.Исҳоқов, Д.Бабаджанова ва Б.Хасановларнинг тадқиқотларини мисол сифатида келтириш мумкин.⁵

Мазкур адабиётларда урушдан кейинги йиллар, шунингдек XX асрнинг 60-80-йилларида Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши, янги саноат корхоналарининг қурилиши, республикада саноат ишлаб чиқаришнинг

⁴ Зиёдуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент, 1949; Улмасбаев Ж.Н. Промышленное развитие Советского Узбекистана. – Ташкент, 1958; Кудряшов В. За подъем народного хозяйства. – Ташкент, 1964; Касимов К.К. Деятельность Компартии Узбекистана по развитию текстильной промышленности. – Ташкент, 1974.; Джураев Х. Промышленность Узбекистана: темпы, структура и эффективность. – Ташкент, 1974; Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриалштириш тажрибасидан. – Тошкент, 1974; Марасулов Ш.Р. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши. – Тошкент, 1975; Журакулов А. Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Ташкент, 1976; Уша муаллиф. Кудратли энергия манбаи. – Тошкент, 1982; Уролов А. Промышленность Узбекистана в условиях развитого социализма (на примере предприятий легкой и пищевой промышленности). – Ташкент, 1979; Каримов К. Деятельность компартии Узбекистана по повышению эффективности промышленного производства. – Ташкент, 1980.

⁵ Исҳоқов Ф.Б. Творческая активность рабочих текстильщиков Узбекистана в период развитого социализма (1959-1970 гг). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1975; Бабаджанова Д.Б. Сотрудничество рабочего класса Узбекистана с братскими республиками в развитии легкой промышленности в 70-е годы. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1989; Хасанов Б.В. Изменения жизненного уровня рабочего класса Узбекистана в 1946-1960 гг. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991;

динамикаси, ишчилар ўртасида социалистик мусобақа ва новаторлик ҳаракатлари, саноат соҳасида ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш жараёни, ишчиларнинг ижтимоий ва маиший турмуш шароитида юз берган узгаришлар тадқиқ этилган. Коммунистик мафкура доирасида яратилган ушбу илмий тадқиқот ишлари ва адабиётларда Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва чекланганлик ҳолати борасидаги хато ва камчиликлар ҳақида деярли муносабат билдирилмаган.

XX асрнинг 50-60 йилларида қишлоқ хўжалигида юз берган узгаришлар, янги ерларнинг ушлаштирилиши, аграр соҳада мутахассислар тайёрлаш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволи каби муаммоларни таҳлил қилган адабиётлар сифатида Р.Аминова, Г.Ризаев, Ю.Исхақов, В.Валиев, Х.Сандов, А.Тожибоев, Б.Сиддиқов, З.Чориев, И.Холиқов, Р.Эгамбердиев, С.Тилекулов, К.Раҳмонов, Х.Каримова, С.Мамарасулов, А.Раззоқов ва бошқаларнинг ишларини келтириб ўтиш мумкин⁶. Бу адабиётларда республикада пахта яқка ҳокимлигининг йил сайин ортиб бориши, ўзбек деҳқонининг ижтимоий аҳволидаги муаммолар, экологик вазиятнинг мураккаблашиб бориши билан боғлиқ ҳолатлар туғрисида таҳлиллар берилмаган.

Юқоридаги тадқиқотларда биз ўрганаётган мавзу юзасидан қисман маълумотлар, статистик рақамлар ҳам келтирилган бўлиб, ушбу маълумотлардан илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. XX асрнинг 50-60 йилларида республикада маданий ҳаёт ва маданият муассасаларининг фаолияти борасида ҳам анчагина тадқиқотлар бажарилган. Чунончи, Х.П.Пулатов, К.О.Оқилов, К.Б.Бурунов, С.Ш.Шермухаммедов, Р.А.Каримов, Р.Шарафутдинова, И.Э.Қодиров, Х.Аллаберганова, М.Олтинов, З.Мирзаев, А.Норбеков ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин⁷. Ушбу

⁶ Аминова Р.Х. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва уни сохталаштирувчилар. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1972; Уфа муаллиф. Колхозное крестьянство Узбекистана по пути развитому социализму – Тошкент: «Ўзбекистан», 1983; Исхақов Ю.И. Развитие хлопководства в Узбекистане – Тошкент, 1963; Сандов Х. Борьба за осуществление Ленинских идей в развитии советского хлопководства. – Тошкент, 1966; Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.) – Тошкент, 1967; Ули муаллиф. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Тошкент, 1978; Сиддиқов Б. Мероприятия партийных организаций Узбекистана по развитию хлопководства в совхозах (1956-1961 гг.) – Тошкент, 1969; Таджикова А. Колхозное крестьянство Узбекистана в борьбе за подъем хлопководства (1956-1965 гг.) – Тошкент, 1973; Холиқов И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан - Шерабадской долине. – Тошкент: "Фан" 1977; Каримова Х.Т. Научно-технический прогресс и рабочая сила в колхозах. – Тошкент, 1978; Шарафутдинов С. Подготовка и использование сельскохозяйственных кадров. – Тошкент, 1979; Чориев З.У. Ривожланган социалizm даврида Сурхан-Шерабод воҳаси қурик ерларини ушлаштириш тарихи. – Тошкент: "Ўзбекистон" 1983; Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда қурик ерларни ушлаштириш ва мелiorация тарихи – Тошкент: "Фан", 1981; Тилекулов С. Социалистическое орошение земледелия в Узбекистане (1917-1964 гг.) – Тошкент: "Фан", 1981; Раҳмонов К. Изменение социальной структуры сельского села в условиях развития социализма. – Тошкент, 1984; Вахидова С.А. Повышение культурного и профессионально-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана (1966-1975 гг.). – Тошкент, 1986; Мамарасулов С.М. Ирригация Узбекистана – Тошкент, 1964; Рагъзов А. Суя ва ҳаёт. – Тошкент, 1991

⁷ Шарафутдинова Р. Школьное образование в Узбекской ССР (1917-1955 гг.) – Тошкент, 1961; Кадровик И.В. Народное образование Советского Узбекистана – Тошкент, 1964; Каримов Р.А. Руководство Компартия Узбекистана развитием культуры в республике – Тошкент, 1971; Бурунов К.Б. Диалектика развития социальной культуры – Тошкент, 1974; Пулатов Х.П. Очерки развития общобразовательной школы Советского Узбекистана. – Тошкент, 1974; Аллаберганова Х. Народное образование на подъеме – Тошкент, 1978; Шермухаммедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социальной культуры – Тошкент, 1980; Акилов К.А. Развитие культуры в Узбекистане за годы Советской власти. – Тошкент, 1984.

адабиётларда совет тузуми ва мафкурасининг республика миллий маданиятига кўрсатган босими ва етказган зарари, маданият муассасалари фаолиятининг чекланганлиги каби жиҳатлар таҳлил этилмаган. Совет даврида Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тарихига бағишланган қатор асарлар ҳам яратилди. Буларга А.Рўзиев, Д.Бичков, Л.Блинников, Х.Раҳмонқулов, А.Чориев ва А.Каримовларнинг асарларини келтириб ўтиш мумкин.⁸ Шундай қилиб, совет даври тарихчилари 1945-1991 йиллар оралигида Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихини ёритишда масалага коммунистик мафкура манфаатларидан келиб чиқиб ёндошган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик йилларида яратилган совет даврининг моҳиятини, шунингдек, мустақид тузумнинг Ўзбекистонга нисбатан юритган сиёсатнинг асл мақсадларини очиб берувчи тадқиқотларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, Д.Алимова ва А.Головановларнинг асарида мустақид тузум мафкураси ва маъмурий буйруқбозлик тизимининг асл моҳияти очиб берилган. Шунингдек, республиканинг миллий мустақиллик сари кураши билан боғлиқ жараёнлар янги методологик асосда таҳлил этилади.⁹

И.Алимов ва Қ.Ражабов каби муаллифларнинг Ўзбекистоннинг совет даври тарихига бағишланган тадқиқотларида республикадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг моҳияти очиб берилган¹⁰. Шунингдек, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” нинг иккинчи китоби бевосита совет даврига алоқадорлиги билан аҳамиятлидир¹¹. Ушбу китобда Ўзбекистоннинг совет давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти янги назарий методологик ёндошув асосида ёритилган. Бундан ташқари, фундаментал характердаги икки китобдан иборат Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) китобининг иккинчи қисмида ҳам урганилаётган даврда Ўзбекистонда юз бераётган воқеалар жараёни тамомила янги тафаккур доирасида ҳолисона талқин этилган¹².

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида совет даврида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни объектив таҳлил этган қатор

Уша муаллиф: Расцвет культуры Советского Узбекистана. – Ташкент, 1985; Олтинов М. Қайта ҳуриш ва қишлоқ маданияти. – Тошкент, 1990; Мирзаев З. Культурная жизнь села Узбекистана: состояние, особенности и проблемы (60-е-средина 70-х-годов) Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1991; Нарбеков А. Развитие сельских учреждений культуры Узбекистана и их место в формировании нового человека (1975-1985 гг.) Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991.

⁸ Рўзиев А. Сурхон-Шеробод қишлоқ хужалиғи. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1967; Бичков Д. А., Блинников Л. И. Сурхондарё области. (Қисқача справочник). – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1970; Раҳмонқулов Х., Давононов С. Гулаб-яшнаётган Сурхондарё. – Тошкент: “Билим”, 1974; Чориев А., Очилов М. Қашқадарё области. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974; Каримов А. Чул ва одамлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1978.

⁹ Алимов Д., Голованов А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. – Ташкент, 2002.

¹⁰ Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий инкирознинг кучайиши ва иқтисодий турғунлик (1971-1985 йй.) // Ўзбекистон Республикаси. – Тошкент, 2006. – Б. 182-184; Уша муаллифлар. Ўзбекистон мустақиллик йулида (1985-1991 йй.) // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 12. – Тошкент, 2006.

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустақиллачилиги даврида. Масъул муҳаррир М.Журев. – Тошкент: “Шарк” 2000

¹² Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019;

асарлар ҳам яратилди. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида юз берган зиддиятли ҳолатлар, “пахта иши” ва унинг оқибатлари очиб берилган¹³. Шунингдек, Сурхондарё ва Қашқадарё областлари совет давридаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий ҳаёт билан боғлиқ жараёнларнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этган илмий тадқиқот ишлари ҳам бажарилган¹⁴.

Бундан ташқари, жанубий областлар шаҳарлари ва туманлари тарихига бағишланган О.Журакулов, С.Турсунов, П.Равшанов, М.Худойкулов ва Ю.Эргашеваларнинг тадқиқотларида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тарихи янгича руҳда баён этилган¹⁵.

Хуллас, жанубий Ўзбекистон ҳудудларида 1945-1991 йилларда кечган ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва маданий ҳаёт комплекс тарзда ёритилмаган ва алоҳида илмий мавзу сифатида таҳлил этилмаган.

¹³ Обломуродов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки, проблемы. Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1994; Зияев Ф. Ўзбекистоннинг қуриқ ва буз ерларида қишлоқ хўжалиқ кадрларининг шаклланиши: тажриба ва муаммолар (Мирзачул интигаҳи мисолида) (1965-1970 йй) Автореф. дисс. ... т.ф.и., – Тошкент, 1994; Турсунов С.Н. 1946-1965 йилларда Ўзбекистон иктисодий аграр соҳасининг ривожланиши. Дисс. ... т.ф.д. – Тошкент, 1995; Азизхўжаев А. Чик узбек иши. – Тошкент: “Академия”, 2003; Юнусова Х. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2009;

¹⁴ Қобулов Э. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тарихи, тажриба ва муаммолар (1946-1960 йй) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... – Самарқанд, 1994; Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Бойсуи, Шаргуи и Шурчи) (1971-1990 гг) Автореф. дисс. ... ист. наук. – Самарқанд, 1995; Эргашева Ж. Қашқадарё саноатининг барпо этилиши ва ривожланиш тарихи (янгича таҳлил ва хулосалар. 1920-1970 йй.) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати. – Тошкент, 1998; Муминова Г. Ўзбекистонда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш: муаммо ва оқибатлар (1946-90-йиллар. жанубий вилоятлар мисолида) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати. – Тошкент, 1999; Жумаева Г. Янги ерларни ушлаштириш, улардан фойдаланиш иктисодий самарадорлиги (Қашқадарё вилояти мисолида). иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати. – Тошкент, 2000; Тураева М. Ўзбекистонда ялдиний ҳаёт. муаммо ва оқибатлар (1920-1940 йиллар Жанубий вилоятлар мисолида) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати – Тошкент, 2002; Уроқова Н. Қашқадарё саноатининг тараққиёти (XX асрнинг 70-80-йиллари) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. ... автореферати – Тошкент, 2004; Холмунинова Х.Э. Ўзбекистонда Совет мустанлакчилиги ва сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири (жанубий вилоятлар мисолида 1946-1990 йй) автореф. дисс. т.ф.и. – Тошкент, 2007; Сохибова М. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: тажриба ва муаммолар (1946-1985 йиллар жанубий вилоятлар мисолида) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. ... автореферати – Тошкент, 2008; Худойкулов У.К. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати сими ва муаммолар (1970-1990 йй) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати – Тошкент, 2010; Қувватова Н.К. XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иктисодий ҳаёти (Қашқадарё вилояти мисолида) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати – Тошкент, 2010; Очипов Ф. XX асрнинг 50-60 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёли ва муаммолари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида). тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореферати. – Тошкент, 2011

¹⁵ Турсунов С.Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг шартлари ва ласайиш омиллари (1946-1965 йй) – Тошкент: “Фан”, 1994; Турсунов С.Н. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш муаммолари (1946-1965 йй) – Тошкент, 1994; Фармонова М. Мангу ёниқ чирок. – Қарши, 1996; Раҳимов П. Қашқадарё истиқлол арафасида. – Тошкент, 1999; Худойкулов М. Қарши чули. – Тошкент, “Шарк”, 1998; Турсунов С.Н., Китчилов Х. Теринг йиқинмаси. – Тошкент, “Шарк”, 2001; Турсунов С.Н., Қобилолов Ю.О. Пардаев Т., Муртазоев Б.Х. Сурхондарё тарих кузгусида. – Тошкент, “Шарк”, 2001; Эргашева Ю. Ю.Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы). Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1998.

Тадқиқотларда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид айрим жиҳатлар таҳлил этилишига қарамай, урганилган даврда жанубий Ўзбекистон ҳудудларидаги ижтимоий- иқтисодий жараёнларнинг узига хос хусусиятлари, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар ва муаммоли ҳолатлар тизимли тарзда яхлит ўрганилмаган. Булар эса мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Учинчи гуруҳ адабиётлари хорижий илмий-тадқиқотлар бўлиб, уларда Ўзбекистон ССР тарихининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлари тадқиқ қилинган. Таъкидлаш жоизки, совет даврида чоп қилинган хорижий илмий адабиётларда Ўзбекистон тарихига бағишланган махсус тадқиқотлар жуда камчиликти ташкил қилган ва республиканинг тарихи совет тарихининг ёки Марказий Осиё тарихининг узвий бир қисми сифатида қаралган ҳамда урганилган.

Совет даврида яратилган ва минтақа тарихининг сиёсий-ижтимоий ва маданий тарихини ўрганган хорижий тадқиқотлар каторига О.Карое¹⁶, Р.Пайпс¹⁷, Ж.Вилер¹⁸, Э.Олворз¹⁹, Р.Конкуест²⁰, Г.Глисон²¹ каби муаллифларнинг китобларини ёки қуйидаги тадқиқотчилар Э.Олворз²², Р.Конкуест²³, П.Рамет²⁴ ва У.Фиерман²⁵ муҳаррирлигида чоп қилинган айрим коллектив монографияларда Ўзбекистон ССР тарихининг совет тарихишунослиги четлаб ўтган муаммолари ёки ноҳолис ёритилган ҳақиқатлари нисбатан объектив кўрсатиб берилган.

СССР тарқалиб кетганидан кейин хорижлик тадқиқотчилар асосан минтақа тарихи эмас, балки Ўзбекистон тарихини бевосита тадқиқот объекти сифатида танлашган. Ж.Критчлов²⁶ ўзининг илмий ишини ватанимизнинг тарихига бағишлади ва совет миллий сиёсати, шунингдек айрим миллий масалаларни тадқиқ қилган. Шунингдек, бошқа бир гурб тадқиқотчиси Г. Глисон²⁷ ўзининг китобида Ўзбекистоннинг совет даври тарихига махсус бўлим ажратиб, унда иккинчи жаҳон урушидан кейин кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзбек сиёсий элитасининг фаолияти билан боғлаган ҳолда урганиб чиққан.

¹⁶ Caroe Olaf. Soviet Empire: the Turks of Central Asia and Stalinism. – London. Macmillan, 1954.

¹⁷ Pipes Richard. The Formation of Soviet Union. Communism and Nationalism – Cambridge, 1964.

¹⁸ Geoffrey Wheeler. The Modern History of Soviet Central Asia. – London, Weidenfeld and Nicolson, 1964.

¹⁹ Edward Allworth. The Nationality in Soviet Central Asia – New York: Praeger, 1973.

²⁰ Robert Conquest. The last Empire: Nationality and the Soviet Future. – Boulder, Colo.: Hoover Institute Press, 1986

²¹ Gregory Gleason. Federalism and Nationalism. The Struggle for Republican Rights in the USSR. – Boulder: Westview Press, 1990.

²² Central Asia: A Century of Russian Rule, ed. Edward Allworth. New York: Columbia University Press, 1967.

²³ Soviet Nationality Policy in Practice. Robert Conquest (ed.). – London: Bodley Head Ltd., 1967.

²⁴ Religion and Nationalism in the Soviet and East European Politics, ed., Pedro Ramet. – Durham, N.C and London: Duke University Press, 1989.

²⁵ Soviet Central Asia The Failed Transformation, ed. William Fireman - Boulder, Colo.: Westview Press, 1991.

²⁶ Critchlow, James. Nationalism in Uzbekistan. – Boulder, CO: Westview Press, 1991.

²⁷ Gregory Gleason. The Central Asian States: discovering independence. – Boulder, Westview Press. USA, 1997.

АҚШ лик олим А.Халид²⁸нинг тадқиқотларида Ўзбекистон тарихининг турли жабҳалари, жумладан совет ҳокимиятининг диний сиёсати, Ўзбекистон ССР нинг ташкил топишида миллий зиёлиларнинг роли ҳамда мазкур республикадаги маданий жараёнлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, Ҳиндистонлик тадқиқотчи А.Сенгултанинг китобида²⁹ Ўзбекистон тарихининг айрим жиҳатлари, жумладан Ўзбекистон совет республикасининг ташкил топишидан бошлаб, иккинчи жаҳон урушидан кейин то 1991 йилгача бўлган давр тарихи умумий тарзда, яъни илмий-оммабоп шаклда асос этган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихини ўрганган бошқа бир қатор хорижий тадқиқотчилар³⁰ социалистик жамиятнинг асл моҳияти, совет тузумининг миллий республикаларга нисбатан юритган сиёсатининг характерли жиҳатлари, совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсати ҳамда унинг миллий кадрлар ва маданиятга бўлган муносабатини ўрганиш билан боғлиқ ҳолатларни изоҳлаган.

Хуллас, мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар ҳам мазкур давр воқелигининг ҳудудлар кесимида айрим соҳаларни ёритганлиги билан характерланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда совет даврида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ҳудудлар ва минтақаларнинг локал хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш реал воқеликни тулақонли таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар” (2015 – 2021) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихини ҳолисона тарзда янгича тафаккур асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет тузумининг миллий республикаларга нисбатан тутган сиёсатини таҳлил қилиб, унинг асл моҳиятини очиб бериш;

тадқиқ этилаётган даврда жанубий Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар эволюциясини ўрганиш;

²⁸ Ateeb Khalid. Islam after Communism: Religion and Politics in Central Asia. – University of California Press Berkeley and Los Angeles, California; ушбу муаллиф: Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – Cornell University Press, Ithaca and London, 2015.

²⁹ Anita Sengupta. The Formation of the Uzbek Nation-State: A Study in Transition. – Maryland, Lexington Books, 2003

³⁰ Roy Olivier. The new Central Asia The creation of nations. -London - New York. I. B. Tauris, 2000; Keller, Shoshana. To Moscow, not Mecca: The Soviet campaign against Islam in Central Asia, 1917-1941. -Westport, Conn Praeger, 2001. -277 p. Northrop, Douglas Taylor. Veiled empire: Gender & power in Stalinist Central Asia. -Ithaca New York: Cornell University Press, 2004; Hansen, Claus Bech. Ambivalent Empire: Soviet Rule in the Uzbek Soviet Socialist Republic, 1945-1964. PhD diss., European University, 2014.

минтақада аграр соҳанинг ҳолати, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, ирригация ва мелиорация жараёнлари, пахта якка ҳокимлигининг кучайиб бориши ва унинг оқибатларини таҳлил этиш;

минтақада саноат корхоналарининг бунёд этилиши, уларнинг чекланганлик ҳолати ва тармоқ вакилларининг машаққатли меҳнати, соҳада маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш жараёни ва бу борада эришилган ютуқ ҳамда камчиликларни ўрганиш;

минтақа аҳолисининг ижтимоий аҳволи, моддий таъминланганлик даражаси, уй-жой ва маиший турмушида юз берган ўзгаришлар ҳамда мазкур соҳада юзага келган муаммоларини ёритиш;

минтақада таълим-тарбия тизимининг ҳолати, шунингдек, унда эришилган ютуқлар, йул қўйилган камчиликларнинг сабабларини очиб бериш;

Тадқиқ этилаётган даврда совет давлатининг маданият соҳасида олиб борган сиёсати, адабиёт, театр, кино ва маданий оқартув муассасаларининг фаолиятини таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 1945-1991 йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар жараёнлари белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзунини ёритиш жараёнида тарихийлик, тизимлаштириш, қиссий таҳлил, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндошув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимиятининг марказлаштирилган ва маъмурий буйруқбозлик бошқаруви туфайли республика иқтисодиётининг ягона халқ ҳужалиги тизимига киритилиши ижтимоий дастурларни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлганлиги, бу ҳолат жанубий ҳудудларда республикаларнинг бошқа минтақаларига нисбатан кескин из қолдирганлиги, айниқса, Чирокчи, Дехқонобод, Қамашини, Яккабоғ, Шеробод, Бойсун ва Сарисий туманларида одамларнинг ижтимоий ҳолати ва маиший турмуш тарзи паст даражада қолганлиги архив ҳужжатлари асосида исботланган;

ўрганилган ҳудудлардан Муборақ, Қақайди, Лалмикор ва Хаудак нефть-газ конларининг топилиши минтақа аҳолиси манфаатларига хизмат қилмаганлиги, аслида бу табиий бойликлар марказ назорати остида ўзлаштирилиб, марказнинг мўмай даромад манбаига айланиб қолганлиги, шу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 19 та туман марказлари 400 дан ортиқ ҳўжалик марказлари газлаштирилмаганлиги аниқ манбалар асосида далилланган;

Қарши ва Сурхон-Шеробод чуллари ўзлаштирилиб янги ерларни қишлоқ ҳўжалиги оборотига киритилиши, соҳада пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилишига олиб келганлиги, экологик мувозанатнинг бузилиши туфайли, Ангор, Гагарин, Сарисий, Шеробод, Қумқўрғон, Дехқонобод, Чирокчи, Қамашини, Қарши ва Яккабоғ туманларида экологик танг ҳолат юзага

келганлиги, шунингдек боғдорчилик, полизчилик ва сабзавотчиликда асрлар давомида шаклланиб келган агротехник тажрибаларнинг унутилиши билан боғлиқ жиҳатлар аниқланган;

Совет даврида жанубий ҳудудлар аҳолисининг ижтимоий-турмуш тарзига етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва шарт-шароитлар яратилмаганлиги оқибатида мустақиллик арафасида мазкур вилоятларда 127 мингдан ортиқ одамларнинг ишсизлиги, 30 мингдан ортиқ oilалар уй-жой олиш учун навбатда турганлиги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш минтақада кескин муаммога айланганлиги архив ҳужжатлари асосида исботланган;

Совет даврида жанубий ҳудудлар таълим тизимини яхшилашга ҳарakat қилинса-да бу борада кўплаб муаммолар тўпланиб борганлиги, айниқса, Қашқадарёда 214 минг, Сурхондарёда 123 минг ўқувчига ўрни етишмаслиги, шунингдек, коммунистик мафкура ва совет ҳукуматининг миллий кадриятларга белгисизлик билан муносабатда бўлиши оқибатида ушбу воқаларга хос анъана ва кадриятлар (бахшичилик, бадаш, халқ уйинлари, маросим ва удумлар) нинг унутилишига олиб келинганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир кўплаб манбалар ва илмий асарлар ҳолисона таҳлил қилиниши асосида янги услубий ва назарий ёндошувлар ишлаб чиқилган;

жанубий Ўзбекистон ҳудудларида совет давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт борасида тўпланган маълумотлар базасини янада кенгайтириш мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган;

Ўзбекистон жанубий вилоятларининг 1945-1991 йиллар оралиғидаги тарихига оид кўплаб архив ҳужжатлари ва бошқа бирламчи маълумотлар илк марта илмий муомалага киритилган;

республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида ган олинган ёндошув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда архив ҳужжатларидан фойдаланилганлиги, бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет даврида республиканинги жанубий вилоятларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни тарихий-қийёсий, муаммоли-хронологик усуллар ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-гизимли таҳлил асосида ёритилганлиги туфайли улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки вилоятлар тарих ва маданий музейлари, жойлардаги катагон қурбонлари музейлари

экспозицияларини тарихий фактлар билан бойитиш, шунингдек, тарих факультетлари талабалари ва магистрлар учун махсус курслар, шу билан бирга Ўзбекистон тарихининг совет даври бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Ўзбекистон худудларининг 1945-1991 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир олинган илмий натижалар ва амалий тақлифлардан:

Марказнинг Ўзбекистонга хом ашё манбаси сифатида қараш сиёсати туфайли республика иқтисодиётининг ягона халқ ҳужалиги тизимига киритилиши худуддаги ижтимоий дастурларни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлиб, бундай шароитда аҳолини иш билан таъминлаш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш ҳамда аҳоли фаровонлигини йўлга қўйиш оғир кечганлиги Республика маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоят бўлимининг 2018-2019 йиллардаги тарғибот тадбирларида кенг фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 12 декабрдаги 01/07-1658-рақамли даволатномаси). Натижада аҳолида XX асрнинг иккинчи ярмида жанубий вилоятлар тарихи ҳақидаги тасаввурларини бойитиш имконини берган;

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариш базасининг шаклланмаганлиги халқ ҳужалигининг бир томонлама ривожланишига олиб келиб, ушбу тенденция мазкур худудда саноатнинг ва қишлоқ ҳужалигида саноатлашиш жараёнининг суст борганлиги билан боғлиқ маълумотлар Термиз давлат музей қўриқхонасининг совет даври фонди материалларини бойитишда фойдаланилган (Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий методик марказининг 2020 йил 19 февралдаги 89-сон маълумотномаси). Натижада бу маълумотлар музейга ташриф буюрувчиларнинг совет даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг Сурхондарё вилояти аҳолиси ҳаётига курсатган таъсири ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлиш имконини яратган;

Сурхон-Шеробод ва Қарши чўллари ўзлаштирилиб, минтақада янги ерларни қишлоқ ҳужалик оборотига киритилиши ҳамда пахта яккахохимлигининг йил сайин ошиб бориши баробарида бошқа ҳужалик экин майдонларининг камайиши шунингдек, “пахта иши” бўйича тупланган материаллардан Термиз давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи экспозициясини ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2020 йил 25 июндаги 52-сон маълумотномаси). Натижада XX асрнинг 80-йилларидаги пахта иши билан боғлиқ қатагон сиёсатининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

жанубий вилоятлардаги шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз беришига қарамай, ишсизлик, уй-жой тақчиллиги, реал даромаднинг пастлиги озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг таъминотидаги узилишларга сабаб бўлиб, бу ҳолат ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлик ҳиссининг камайиши ҳамда ўтқир

ижтимой муаммоларнинг келиб чиқишига оид натижалардан Ўзбекистон тарихи телеканалидаги “Музейга сайёҳат” ва “Асорат атикалар” курсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 декабрдаги 01-40-2626-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг XX асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи буйича янги маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 6 та халқаро: “Инновационные технологии и перспективы развития естественных и общественно гуманитарных наук в условиях глобализации» (Таджикский педагогический институт, Пенджикент, 2018), Материалы. Международная научно-практическая конференция на тему «Послание Лидера нации – зеркало политического, социально-экономического и культурного развития Таджикистана», 19 марта 2019 года в Таджикском Педагогическом институте в городе Пенджикент, Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни (Термиз, 2019), Научно-практической международной конференции, посвященной 5500 лети древнего Саразма, (Пенджикент 2019), LXXX Международной научно-практической конференции «Культура как ключевой фактор развития науки XXI века». (Россия, г. Казань. 2020), The 3rd International scientific and practical conference “World science: problems, prospects and innovations” Perfect Publishing, (Toronto, Canada. 2020) ҳамда 12 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 50 та илмий иш нашр этилган. Шундан 1 та монография. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, республика журналларида 11 та ва хорижий журналларда 3 та мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг урганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларининг жорий қилиниши, эълоғ қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби “Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт” деб номланади. Унда тарих фани ва минтақалар тарихи методологияси ҳақида маълумот берилган.

XX асрнинг биринчи ярмида тарих фани методологиясининг ривожланиш тенденциялари позитивизмнинг танқиди, нсмиё тарих фалсафаси, хусусан, В. Дильтей³¹, Г. Зиммель³² ва Ф. Мейнеке³³ каби олимлар қарашларида ўз ифодасини топди. XX асрнинг иккинчи ярмида тарих фани предметининг майдони кенгайиб борди, уни назарий-методологик қайта қуроллантириш учун ҳаракатлар бошланди. Шу даврда минтақалар тарихи алоҳида илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди, илмий муомалага қундалик тарих, менталлик тарихи ва тотал тарих сингари тушунчалар кириб келди. Тарих фани методологиясининг шу йўналишдаги кейинги ривожиди Ф. Арьёс³⁴, Р.Мандру³⁵, Ж.Дюби³⁶ ва Ф.Бродель³⁷ каби олимларнинг гоёлари катта роль ўйнади.

Шунингдек, мавзунинг назарий методологик асосларини ишлаб чиқишда тарих фанининг методологияси билан шугулланган жаҳоннинг машҳур олимларидан М.Блок³⁸, И.Д.Ковальченко³⁹, А.Дж. Тойнби⁴⁰, Л.Февр⁴¹, Э.Фримен⁴², К.Ясперс⁴³, Д.А.Алимова⁴⁴, М.Исҳоқов⁴⁵ ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланилди.

³¹ Дильтей, В. Собрание сочинений в 6 тт. Под ред. А.В. Михайлова и Н.С. Плотникова. Т. I: Введение в науку о духе. Опыт полагания основ для изучения общества и истории. / Пер. с нем. под ред. В. С. Малахова. — М.: Дом интеллектуальной книги, 2000; Дильтей В. Наброски к критике исторического разума / В. Дильтей // Вопросы философии. — 1988. - № 4. - С. 135-152.

³² Г. Зиммель. Философия культуры. — М.: Центр гуманитарных инициатив, 2013.

³³ Ф. Мейнеке. Возникновение историзма. — М.: РОССПЭН, 2004.

³⁴ Арьёс Ф. Время истории. М.: ОГИ, 2011.

³⁵ Мандру Р. Франция раннего Нового времени, 1500-1640. Эссе по исторической психологии. - М.: Территория будущего, 2010.

³⁶ Дюби Ж. — Время соборов. Искусство и общество 980 — 1420 годов. - М.: Ладомир, 2002.

³⁷ Бродель Ф. Грамматика цивилизаций — М.: Весь мир 2008

³⁸ Блок М. Апология истории, или Ремесло историка. — Москва, 1986.

³⁹ Ковальченко И. Д. Методы исторического исследования. — Москва, 2003.

⁴⁰ Тойнби А. Дж. Постигание истории — Москва, 1991

⁴¹ Февр Л. Бои за историю — Москва, 1991

⁴² Фримен Э. Методы изучения истории / Пер. с англ. — Москва, 1986

⁴³ Ясперс К. Смысл и назначение истории. — Москва, 1991

⁴⁴ Алимова Д. А. История как история, история как наука. — Ташкент, 2008. Т. I. История и историческое сознание. — С. 280

⁴⁵ Исҳоқов М. Тарихий жараён ва ҳодислик мезони: тарих ва тараққиёт. “Тафаккур” №1. — Ташкент, 1999 30-31 бетлар

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобаллашув билан бирга минтақалашув жараёни ҳам жаҳон тараққиётининг муҳим тенденцияси сифатида намоён була бошлади. Бу жараён тарихчи олимларда минтақалар тарихини ўрганиш ва унинг методологиясини яратишга қизиқинини кучайтирди. Зотан, айрим минтақалар (ёки ҳудудлар) тарихини ўрганиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишини тадқиқ этилишини назарий-методологик асослари шу ҳудудларни барқарор ривожлаштириш ва тараққиётнинг стратегик йўналишларида узок муддатли ва ишончли прогнозлар қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотни тайёрлаш жараёнида *цивилизациявий, географик детерминизм каби ёндашувларга* ҳам асосланилди. Бунда турли жараёнларга табиий иқлим шароити атроф-муҳит таъсири маъжудлигига таянилади. Тарихий жараёнларга муайян давлатнинг жойлашган географик ўрни, иқлим шароитлари ҳам, албатта таъсир этади. Хусусан, ҳар бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши куп жаҳатдан атроф-муҳитга ва иқлим шароитларга боғлиқ. Чунки жанубий Ўзбекистон ҳудудлари ўзининг иссиқ иқлимлиги туфайли республиканинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Маълумки, урушдан кейинги йилларда вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, ишлаб чиқаришни тинчлик даври ҳолатига кучириш, одамларнинг турмушини яхшилаш, карточка тизимини бекор қилиш, эркин савдони йўлга қўйиш, пулнинг қадрини ошириш, моддий неъматлар етиштиришни кучайтириш, турар-жойлар қурилишини кенгайтириш каби долзарб вазифалар турарди.

Шу даврда иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, одамларнинг турмушини яхшилаш, карточка тизимини бекор қилиш, пулнинг қадрини ошириш ва бошқа ижтимоий тадбирларни амалга ошириш имконини берди. 1947-1948 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларидан яхши ҳосил олиниши аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни бироз булса-да яхшилади. Озиқ-овқат нархи 1947-1950 йиллар орасида 5 марта пасайди⁴⁶ 1950 йилнинг 1 мартда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи қўйидаги миқдорда арзонлаштирилди: ун ва ун маҳсулотлари 21-30 фоизга, ёрма – 12-20 фоизга, гушт ва қолбаса маҳсулотлари 24-35 фоизга, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 10-35 фоизга, мол ёғи 30-фоизга, сут ва сут маҳсулотлари 10-35 фоизга.⁴⁷ Нархларнинг пасайишининг асл сабабини билмаган халқ орасида бу ҳолат Сталиннинг оталарча гамхўрлигининг натижаси сифатида тарғиб қилинди. Аммо ҳали ҳам маҳсулотлар нархи 1940 йилдагига нисбатан 2 барабар юқори эди.

Бу даврда жамият ҳаётидаги энг долзарб вазифалардан бири халқ таълими тизимини изга солишдан иборат эди. Чунки уруш даврида

⁴⁶ Эргашев Ш. Эрк истар кунгли. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 –Б.50.

⁴⁷ Народное хозяйство СССР: ст.сб. – М., 1958. – С. 771.

Ўзбекистонда ҳам мактаблар тармоғи қисқарди ва укучилар контингенти камайди, кўпгина болалар ўқишни турли синфларда ташлаб кетдилар.

Хуллас, Совет тузуми ўзининг асл мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон халқ ҳужалигини қайта тиклашга эътибор қаратди. Шу сабабдан ҳам урушдан кейинги йилларда республика саноати бир томонлама ривожлантирилди, қишлоқ ҳужалиги тинч давр шароитида ривожлана бошлади, янги ирригация шаҳобчалари бунёд этилди. Бирок йил сайин аграр соҳада пахта яқка ҳокимлиги кучая бошлади. Маданий ҳаётда ҳам маълум ўзгаришлар юз берди, аммо мустабид бошқарув тартиблари республика маданий ҳаётига жиддий зарар етказди, кўплаб ижодкорлар Сталинча қатагоннинг қурбонига айланди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг жанубий областларидаги ижтимоий жараёнлар”** деб номланган иккинчи бобида жанубий Ўзбекистон ҳудудларининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Марказнинг Ўзбекистонга хом ашё манбаси сифатида қараш сиёсати туфайли республика иқтисодиёти бир томонлама ривожланди. Бу эса ижтимоий дастурларни ривожлантиришга жиддий тўғанок бўлди. Бундай шароитда аҳолини иш билан таъминлаш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш, аҳоли фаровонлигини йўлга қўйиш анча қийин масала эди. Бу борада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам анчагина ижтимоий муаммолар тўпланиб қолди. Лекин шу билан бирга, шаҳарларда уй-жой қурилиши, мавжуд уй-жой фондларини таъмирлаш зарурати шу даврнинг долзарб вазифаларидан бири эди. Хусусан жанубий областларнинг шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳукумати уй-жой қуриш учун 1946 йилга нисбатан 1947 йилда 1,5 баравар кўп маблағ ажратди⁴⁸. 1948 йилда эса урушгача бўлган уч беш йилликдаги маблағга нисбатан уй-жой қурилиши учун уч марта кўп маблағ ажратилди⁴⁹.

Бу даврда Сурхондарё областининг бош шаҳри бўлган Термизда ҳам анчагина бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1949 йилда шаҳарда уй-жой фондлари 1937 йилдагига нисбатан 2 марта кўпайди⁵⁰. Шу даврда областнинг Шурчи, Шеробод ва Жарқўрғон туманларининг марказларида ҳам анча кенг қўламли қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан 1947-51 йилларда шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкалардаги уй-жой фонди қарийиб уч баравар ошди⁵¹. Бу даврда давлат корхоналари билан бир қаторда кооператив ташкилотлар ҳам уй-жой қурилишида иштирок этди.

Тадқиқот даврида жанубий областларнинг шаҳар аҳолиси сони ўсиб борди. 1985 йилда Қашқадарё областидаги 1444,8 минг аҳолининг 364,3 минги, Сурхондарёда эса 1134,1 минг аҳолининг 222,0 мингини шаҳар аҳолиси

⁴⁸ УЭР МДА 737-фонд 3-руйхат, 90-иш, 180-варақ

⁴⁹ Правда Востока, 1948, 28 мая.

⁵⁰ Азимов М. Термиз тарихи. “Насаф” 2001. – Б. 164.

⁵¹ Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-руйхат, 137-иш, 55-56-варақлар

ташкил этарди⁵². Шаҳар аҳолиси сонининг ўсиб бориши билан шаҳарларда уй-жойга бўлган талаб ҳам йил сайин ошиб борди. 1966 йилда Сурхондарё областда шаҳар аҳолиси учун 38 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1986 йилга келиб бу кўрсаткич икки баравар ошди⁵³. Лекин бу кўрсаткичлар ҳам хали етарли даражада эмас эди. Шаҳарларда квартира олиш учун навбатда турган оилалар сони кўпчиликини ташкил этарди. 1988 йилда Қарши шаҳрида квартира учун навбатда турган оилалар сони 58 тани ташкил этарди⁵⁴. 1989 йилда Термиз шаҳрида 80 дан ортиқ оила квартира олиш учун навбатда турарди⁵⁵.

Шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш кўшаб омилларино боғлиқ. Энг муҳим омиллardan бири бу миллий даромадлар ва ишлаб чиқариш унумдорлигидир. Урушдан кейинги даврларда коммерция нархлари юқори, паёқ нархлари эса анча паст эди. Уларни бир-бирига яқинлаштириш орқали карточка тизимини бекор қилиш мумкин эди. Бунга эришиш учун кам ва ўртача иш ҳақи оладиган ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақлари оширилди. Масалан 1947 йилда Ўзбекистон пахта тозлаш саноатида ўртача иш ҳақи 30,1 фоиз, пиллакашлик саноатида 34,2 фоизга ошди⁵⁶. Ишчилар иш ҳақининг ошганлигини айрим корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1947-йилда Термиз пахта тозалаш заводида ўртача иш ҳақи 486 рубльдан 1052 рублга етди⁵⁷. Китоб консерва заводида ишчиларнинг иш ҳақи 32,7 фоизга оширилди⁵⁸. 1948 йилда Шаҳрисабз консерва заводи ишчиларининг ўртача иш ҳақи 558 рублдан ошиқ эди⁵⁹. Республика халқ хужалигида фаолият юритаётган ишчи хизматчилар орасида шаҳар аҳолисининг сони ҳам йилдан-йилга орта бошлади. Масалан Ўзбекистон халқ хужалигида банд бўлганлар орасида шаҳар аҳолисининг улуши 1959 йилда 37,6, 1970 йилда 40,9, 1979 йилда 44,8, 1989 йилда эса 42,8 фоизни ташкил этган⁶⁰.

Тадқиқ этилаётган даврда жанубий областларда Қарши, Шаҳрисабз, Косон, Китоб, Термиз, Денов, Шеробод, Бойсун ва Шўрчи каби шаҳарлар бироз бўлса-да кенгайди. Шаҳарларда кўплаб маданий-маиший ва матрифий бинолар қулайди. 1949 йилда Термиз шаҳрининг майдони 1932 йилдагига нисбатан икки баравар,⁶¹ Қашқадарё областининг бош кенти ҳисобланган Қарши шаҳри эса бир мунча кенгайди. Бироқ 1960-1964 йиллар оралигида Қашқадарё областининг маъмурий ҳудудий жиҳатдан Сурхондарё областига қўшиб юборилиши Қарши шаҳрининг ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатди

⁵² Ўзбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статистический сборник. – Ташкент, 1986. сс. 118-142.

⁵³ Сурхондарё вилоят давлат архиви 70-фонд, 1-руйхат, 132-иш, 26-30-варақлар

⁵⁴ Қашқадарё вилоят давлат архивининг Қарши филиали 373-фонд, 1-руйхат 186-иш, 3Я-варақ

⁵⁵ Сурхондарё вилоят давлат архиви 70-фонд, 1-руйхат 127-иш, 82-варақ

⁵⁶ Совет Ўзбекистони ишчилар шиффининг тарихи. – Тошкент, 1974. – Б.234.

⁵⁷ Илгор Сурхон учун. 1947 йил, 25 май

⁵⁸ Қашқадарё ҳақиқати 1956 йил, 5 декабрь.

⁵⁹ Қашқадарё ҳақиқати 1948 йил, 18 декабрь.

⁶⁰ Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 года, часть 1. – С. 175.

⁶¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви 45-фонд, 1-руйхат, 436-иш, 16-варақ.

Шундай қилиб жанубий областлардаги шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳаётида жиддий узғаришлар юз берди, аммо улар орасидаги ишсизлик, уй-жой тақчиллиги, реал даромаднинг пастлиги, хизмат курсатиш тизимининг ночорлиги, озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг таъминотидаги узилишлар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлик ҳиссининг сезиларли даражада камлиги ва шу каби бошқа ижтимоий муаммолар ўткирлашиб борди.

Тадқиқот даврида аграр соҳада янги ерлар ўзлаштирилди, хўтор тизими тугатилиб қўйлаб қишлоқлар, посёлкалар қурилди, аҳолининг яшаш шароити бир мунча яхшиланди, маиший ҳаётда нисбатан янгиликлар пайдо бўлди, аҳоли сони ошди. Лекин бу жараёнлар ўлкада пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши ва иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланиши миллий бойликларнинг марказ манфаатлари мақсадида ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда юз берди. Совет ҳукуматининг маъмуриятчилик ва зуравонликка асосланган империяча бошқарув усули, жойлардаги мавжуд шароит ва имкониятларни инобатга олмасдан қабул қилган қарорлари, маҳаллий аҳолининг орзу истаклари ва анъаналарини назар писанд қилмаслик, мулкчиликнинг турли шаклларино инобатга олмаслик, республикага фақат хом ашё базаси сифатида муносабатда бўлишнинг оғир асоратлари халқнинг турмушида жиддий қийинчиликларни ҳам юзага келтирди.

Бир томонлама ривожланган иқтисодиёт ҳукмронлик қилган шароитда аҳолининг маиший ҳаёти ва ижтимоий таъминот масаласида йиллар давомида муаммолар туپланиб борди. Чунки хом-ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёт шароитида ижтимоий дастурларни амалга ошириш имконияти чеklangан эди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жанубий ҳудудлардаги иқтисодий ривожланиш йўналишлари ва муаммолар”** деб номланиб, унда қишлоқ хўжалигидаги узғаришлар ҳамда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, саноатдаги аҳвол ва маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш масаласи тадқиқ қилинган.

XX асрнинг 50-йиллари Ўзбекистоннинг Жанубий областларида мелиорация ишларини яхшилаш, ирригация қурилишларига эътибор кучайган давр эди. Шу йилларда 49 км узунликдаги Ҳазарбоғ ва 76 кмли Қумқўрғон каналлари қайта таъмирланди. Бундан ташқари 23 км.ли Какайди ва 90 кмли Занг каналлари қурилиши 1956 йилга келиб тугалланди⁶². 1957 йили эса 165 минг кубометрли Учқизил сув омбори қуриб ишга туширилди⁶³.

1953-63 йиллар мобайнида Қашқадарёда Эски Анҳор канали, Жар канали, Қамаш, Чимқўрғон ва Пачкамар сув омборларининг қурилиши натижасида областнинг шимоли-шарқий ҳудудларидаги бўз ерлар ўзлаштирилди⁶⁴. Сурхон-Шеробод ҳамда Қарши чуллари ўзлаштирилиб минглаб гектар қароқ ерларга сув чиқарилди. Бу даврда минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиши ва пахта майдонлари кенгайиб борганига

⁶² Бердиев Ҳ ва бошқалар. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Нур”, 1991. – Б. 32.

⁶³ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар. 1X китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1980. – Б. 461

⁶⁴ Янгибоев М. Қашқадарё область аҳоли географияси. – Қарши, 1980. – Б. 10.

қарамасдан, совет ҳукумати шахсий томорқа ерларини қисқартиришга ҳам киришди. Агар 1950-йилларга қадар қишлоқда томорқа участкаларининг ҳажми 0,15-0,25 га қилиб белгиланган бўлса, 1950 йил январидан улар қисқартирилиб, 0,12-0,15 га миқдорига келтирилди.⁶⁵ Республикада пахта яққа ҳокимлигининг ўрнатилиши жанубий вилоятларнинг аграр соҳа ходимлари турмушида ҳам жиддий салбий оқибатларга олиб келди, экологик вазият издан чиқди, марказнинг пахта хом-ашёсига бўлган эҳтиёжини қондириш ниҳоятда мушкул ҳолатга айланиб борди. Шу аснода совет жамиятига ҳос бўлган иқтисодийда миқдор кўрсаткичлари изидан қувиб рақамларни бұрттириб кўрсатиш тамойили реал ҳаётда устуворлик қилиб борди.

Ўзбек деҳқони ўзининг тинимсиз меҳнати эвазига қўшиб ўзувчига иш порасурга чиқарилди. Оқибатда “пахта иши”, “Ўзбеклар иши” каби аспссиз уйдирмалар ўйлаб топилди. “Пахта иши” компанияси 1983 йилда бошланиб кетди, ушбу қатагон туфайли Ўзбекистондан қанча одамнинг қамоққа олингани тўғрисида турли маълумотлар бор. Баъзи манбаларда 22 минг, бошқасида 30 минг ҳатто 48 минг одам ҳисобга олингани кўрсатилади⁶⁶. Жумладан “пахта иши” туфайли Қашқадарё областидан 4018⁶⁷, Сурхондарё областидан эса 3218 нафар кишига нисбатан “жиноят” иши қўзғатилди⁶⁸.

Таъкидлаш жоизки sanoat соҳасидаги амалга оширилган ишларда ҳам нотекислик кузатилади. Иттифоқ миқёсида иқтисодийнинг ҳаддан ташқари ихтисослашуви натижасида бутун совет давлати тарихи мобайнида ўлкамиз халқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, хом ашёга бирламчи ишлов бериш тармоқлари устувлик қилиб келди. Тайёр маҳсулотлар, биринчи навбатда, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар унчалик салмоқли ўрин эгалламади. Масалан, туқимачилик, тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариши маълум даражада ривожланган бўлишига қарамай уларда ўз хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар чиқариш 2%-дан ошмасди⁶⁹. Совет ҳукуматининг Марказий органлари республика энгил sanoatида ишланган пахта толасини жуда арзон нархларда баҳолаган. Пахта толасини қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантиргач эса анча мумай даромад қурган. Мисол учун 1990 йилги ҳисоб китобларга қўра иттифоқ молия органлари бир тонна ўрта толали пахта толаси учун Ўзбекистонга 2950 рубль тўлаган. Ваҳоланки шу даврда жаҳон бозорида худди шундай турдаги бир тонна пахта толасининг баҳоси 16820 рублдан сотиларди. Бир тонна ингичка толали пахта учун иттифоқ ҳукумати 5319 рубль тўласа, унинг жаҳон бозоридаги харид баҳоси 44500 рублни ташкил этган⁷⁰.

⁶⁵ ЎзМА, 837-фонд, 1-руйхат 998-ил, 130-ларак

⁶⁶ Азизкулова Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги қатагон сисмати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: “Тафаккур”, 2016. – Б.104.

⁶⁷ Юсупова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан докторлик илмий даражасига олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2009. – Б.209

⁶⁸ Ўз РПДА СВФ, 100-жадғарма, 3-руйхат 998-ил, 130-139-бетлар.

⁶⁹ Тарих шожидлиги ва сабоқлари: чорчи ва миллий бойликларининг улаштирилиши. Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир: Д.Алимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.201.

⁷⁰ Мирзаев З. Қабулов Э. Кўрсатилган асар. – Б.67

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида маданий ҳаёт” деб номланган туртинчи бобида маданий ҳаётда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинган.

Урушдан кейинги йилларда таълим тизимини тинч шароит талаблари асосида қайта қуриш анча машаққат ва қийинчиликлар билан йулга қўйилди. Чунки уруш даврида мактаблар тармоғи қисқарган ва ўқувчилар контингенти камайган, кўпгина болалар ўқишни ташлаб халқ ҳужалигининг турли соҳаларида ишлашга мажбур бўлган эди. Бутун эътибор фронт эҳтиёжларига сарфланганлиги боис мактаблар қурилиши тўхтаб қолган, мавжуд мактаблар ҳам таъмир талаб бўлиб, уларни ўқув жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси эса энг қуйи поғонага тушиб қолган эди.

Бу даврда республикада мактабларни малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш даражаси ниҳоятда оғир аҳволда эди. Республика миқёсида умуман тўрт минг, жумладан I-IV-синфлар учун 800 нафар ўқитувчи етишмасди. Район халқ таълими бўлимлари мудирлари ва инспекторларининг, мактаб директорлари ва таълим бўйича директор муовинларининг 60 фоиздан кўпроғи тегишли маълумотга эга эмас эди⁷¹. Жумладан 1947-48 ўқув йилида Сурхондарё области мактабларида 1890 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, улардан қарийиб 1000 нафари ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган⁷². 1945-46 ўқув йилида Қашқадарёда 460 та мактаб мавжуд бўлиб, унда 79800 нафар ўқувчи таълим олди. Ушбу мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг 529 нафари махсус педагогик маълумотга эга эди холос⁷³.

Мавзу доирасида қилинган тадқиқот шуни кўрсатадики, жанубий областлардаги мактабларнинг моддий-техник таъминот ҳали унчалик яхши эмас эди. Кўпгина мактаблар асосан мослаштирилган биноларда жойлаштирилган. Ўқув жиҳозлари етишмас, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси қониқарсиз ҳолатда эди. Бундан ташқари барпо этилган мактаблар ҳам типовой лойиҳаларсиз қурилди. Янги мактабларни бунёд қилиш ўқувчилар сонининг ортиб боришига мутаносиб тарзда қурилмади. Шу боисдан ҳам машғулотлар икки, баъзан уч сменада ҳам олиб бориларди. Масалан, 1957-58 ўқув йилида республикадаги 4516 та мактабларда икки сменада дарслар олиб борилди. Бу маълумотлар республикадаги мавжуд мактабларнинг 77 фоизда машғулотлар икки сменада олиб борилганлигини англатади. Жанубий областлардаги мактабларда синфхоналарнинг етишмаслиги, янги мактабларнинг қурилиши борасида ҳам анча камчиликлар мавжуд бўлган.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилган ташкилий ишлар натижасида 1960-1970 йилларга келиб Қашқадарёда 9034 нафар ўқитувчидан,

⁷¹ Раҳмонов Н. Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1984. – Б. 82-83.

⁷² Турсунов С. Н. ва бошқалар Сурхондарё тарихи. – Тошкент. “Шарқ”. 2004. – Б. 419-420.

⁷³ Қувватова Нодира “XX асрнинг 20-80-йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фақлари номзоди илмий даражасининг олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент: 2010. – Б. 90.

2271 нафари олий⁷⁴, Сурхондарёда эса 9752 нафар уқувчидан 2889 нафар олий маълумотли бўлишга эришилган⁷⁵ Уз навбатида уқувчилар контингенти ҳам ўсиб борди. Масалан: Сурхондарё области мактабларида 1960-1961- уқув йилида 87700 нафар, 1970-1971 уқув йилидан 202500 нафар, 1980-1981 уқув йилида 264800 нафар уқувчи таълим олган бўлса, Қашқадарё областида эса 1960-1961 уқув йилида 100 минг нафар, 1970-1971 уқув йилида 244300 нафар, 1980-1981 уқув йилида 334700 нафар уқувчи мавжуд эди⁷⁶.

Шу даврда жанубий Ўзбекистон ҳудудлари маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Бир томондан маданият муассасаларининг моддий-техник таъминот анчагина мустаҳкамланди, иккинчи томондан эса ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар сони йил сайин кўпайиб борди. Пировардида, бундай шароитда маданият муассасаларининг сони ҳам анчагина кўпайди. Қолаверса, аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматларнинг тури ва сифати ҳам яхшиланиб борди. Хусусан клуб ва кутубхоналар фаолиятида жонланиш кузатилади. Агар, 1940-йилларда Қашқадарёда 165 та клуб бўлган бўлса, 1950-йилларга келиб бу рақам 288 тага етди⁷⁷, Сурхондарёда эса 1940-йилларда 86 та, 1950-йилларда 108 тани ташкил этган.

Бирок урушдан кейинги йилларда кўплаб кутубхоналар қўшиб юборилиб йириклаштирилди. Қашқадарё областида ҳам кутубхоналарнинг йириклаштирилиши натижасида кутубхоналар сони анча қисқарди. Агар 1940 йилда 153 та кутубхона фаолият юритган бўлса, 1950 йилда улар камайиб 64 тага тушиб қолди. Шу асосда кишлоқлардаги кичик кутубхоналар ёпилиб қолхоз ва совхозлар марказларида қурилган кутубхоналар уларнинг ҳисобига йириклашди. Ушбу кутубхоналардаги китоблар сони агар 1940 йилда 117 минг нусха бўлса, 1950 йилга келиб 122 минг нусхага етди⁷⁸. XX асрнинг 70-йилларининг охирида Сурхондарё областининг туман марказлари, жамоа ва давлат ҳўжаликларида 200 дан ортиқ клуб, 220 та кутубхона, 350 та кинотеатр, кўплаб профессионал ва халқ театрлари аҳолига маданий хизмат кўрсатди. Қашқадарё областида 1960 йилда 230 та, 1970 йилда 249 та, 1980 йилда 291 та 1985 йилда 315 та клуб ва маданий оқартув муассасалари фаолият юритди. Сурхондарё областида эса клублар сони 1960 йилда 134 та, 1970 йилда 191 та, 1980 йилда 241 та, 1985 йилда эса 245 тага етди⁷⁹.

Жанубий областлар маданият муассасаларининг самарали фаолиятини ташкил этишда бевосита ушбу тизимда фаолият юритган соҳа мутахассисларининг машаққатли ва беминнат хизмати алоҳида таъкидланиб ўтиш зарур. Шу асосда таъкидлаш лозимки, урганилаётган даврда бутун иттифоқда бўлгани сингари минтақа аҳолиси маданий ҳаётида ҳам илгчи зиддиятли жараёнлар юз берди. Чунки совет тузуми маданий ҳаёт ва маданият муассасаларини ўта сиёсийлаштириб юборган эди. Ўзбекистоннинг жанубий

⁷⁴ Чориев А. Очилов М. Қашқадарьинская область. – Ташкент: Ўзбекистон, 1974. – С. 69.

⁷⁵ Юнусов Н. Халқ маорифининг нурули йўли. – Ташкент, 1980. – Б. 20.

⁷⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР. 1985. – Ташкент: "Ўзбекистан", 1986. – Б. 302.

⁷⁷ Қашқадарё вилояти давлат архиви 1-фонд, 2-руйхат 670-нш, 45-варақ.

⁷⁸ Қашқадарё вилояти давлат архиви 1-фонд, 2-руйхат 625-нш, 32-варақ.

⁷⁹ Народное хозяйство Узбекской ССР. 1985. – Ташкент: "Ўзбекистан", 1986. – С. 320.

областларида ҳам қатор маданият муассасалари яъни клублар, кинотеатрлар, театрлар ва маданият уйларининг сони бир қадар ортган. Бироқ совет мафкураси ўзбек халқини унинг қадим тарихидан, жонажон она тилидан, юксак маънавиятидан, миллий анъаналаридан, шунингдек, муқаддас динидан бегоналаштиришга ҳаракат қилган ва маданият муассасалари фаолиятини ҳам шунга мослаштиришга уринган. Лекин халқнинг ўзликни англашга бўлган интилиши, қадриятлар ва анъаналарга садоқати ва тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида амалга оширган барча эзгу ишлар туфайли ўзбек халқи ҳар қандай зулмларга ҳамда мафкуравий тазйиқларга қарамасдан ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида 1945-1991-йилларда иқтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт мавзусини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Урушдан кейин иқтисодиётни тиклаш ва тинчлик даврига мослаштириш жараёни уруш йилларида кўплаб аҳоли, айниқса эркаклар халок бўлганлиги билан янада оғир кечган. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, ўзбек халқи ҳам иқтисодиётни тинч йулга ўтказиш ва қайта қуриш жараёнида фаол иштирок этган ва катта меҳнат жасоратини кўрсатган.

2. Ўрганилган даврда ҳам иқтисодий соҳада катъий марказлаштириш, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усули сақланиб қолган. Совет ҳукумати мамлакатни режали иқтисодиёт асосида ривожлантириш йулидан борган. Унинг директив органлари Ўзбекистонда марказ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни тартибга солган.

3. Совет ҳукумати Ўзбекистонда кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариш базасини ва илғор қишлоқ хўжалигини шакллантириш йулидан бормади. Республикани ҳам ашё, асосан пахта етиштиришга ихтисослаштириш давом эттирилган. Ўзбекистон халқ хўжалиги мажмуининг бундай ихтисослашуви, иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига олиб келган. Ўзбекистоннинг жанубий областлари иқтисодиёти ҳам ушбу тенденциянинг узвий қисми бўлиб, мазкур ҳудудда саноатнинг ишлаб чиқарил соҳалари деярли ривожлантирилмаган ва қишлоқ хўжалигининг саноатлашиш даражаси ўта паст бўлган.

4. Саноат ишлаб чиқаришда ҳам марказ манфаатлари устуворлик қилган, гарчи шу даврда республика саноатининг ҳажм кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланса-да, булар асосан ҳам ашё ва пахта тозалаш, пиллакашлик, ёқилги, қазилма саноат ва рангли металлургиянинг ресурс тармоқлари ҳисобидан бўлган. Бу тармоқлар эса ҳам ашёга бирламчи ишлов беришга мослаштирилган технологиялар билан ишлаган.

5. Шунингдек, Ўзбекистон ССР да аграр ишлаб чиқаришда, хусусан, пахтачиликда муайян тараққиётга эришилган. Республика аграр соҳасининг моддий техник таъминоти анча мустаҳкамланган, соҳани мутахассислар билан таъминлашда сезиларли силжишлар юз берган. Мирзачўл, Сурхон-Шеробод

ва Қарши чуллари узлаштирилиб, янги ерлар қишлоқ хўжалик оборотиға киритилган. Бирок, бу узғаришлар марказнинг республикадан кўпроқ пахта хом ашёсини ундириб олишни кўзловчи стратегияси доирасида амалга оширилган. Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлигининг йил сайин охиб бориши бошқа хўжалик экин майдонларининг камайиши, шунингдек, боғдорчилик, полиз ва сабзавотчиликда асрлар давомида шаклланиб келган тажрибанинг унутилишига олиб келган ва экологик вазиятни таги аҳволига солиб қўйган.

6. XX асрнинг саксонинчи йилларида совет бошқарув органилари томонидан олиб борилган “пахта иши” жараёнида йул қўйилган қонунбузарликлар, кўплаб бегуноҳ одамларнинг қамалиши, уларға руҳий ва жисмоний азоб берилиши, шунингдек, марказий матбуотда ўзбек халқини ёмонотлик қилишга қаратилган компания республика аҳолиси орасида норозиликни келтириб чиқарган.

7. Тадқиқот даврида таълим тизимида етти йиллик ва умумий урта таълим тизимиға утилган ҳамда кўплаб мактаблар бунёд этилган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам урта ва олий таълим тизими шаклланган. Бирок, совет ҳукуматининг таълим тарбия тизими устидаги ўрнатган жиддий мафкуравий назорати туфайли соҳада илғор тажрибаларни қўллаш имконияти чекланган, таълим беришнинг бир хил тартиби ўрнатилган. Бу эса ёш авлодни миллий қадриятлардан узоқлашишга ва уларда миллий руҳнинг сусайишиға олиб келган.

8. Тарихан шаклланган миллий ва диний анъаналар, удумлар, байрамларға нисбатан марказнинг қўпол тарзда аралашуви, партия ва совет органларининг маҳаллий аҳолининг оилавий ва ҳаётий муносабатларига, одоб-ахлоқ қадриятларига таъсир утказиши ўзбек халқининг маънавий ҳаётида жиддий салбий из қолдирди ва ижод аҳлининг эркинлиги чекланди. Совет мафкураси қолипига сизмаган ижодқорлар эса аёвсиз тарзда қатагон қилинган.

9. Бозор муносабатлари, пул ва товар айрибошлашға эркин тарзда амал қилиш каби совет жамиятиға ёт бўлган ҳолатлар республика иқтисодиётиға, хусусан, жанубий областларнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий ҳолатиға жиддий салбий таъсир кўрсатган ва аҳолининг ижтимоий ҳамда маиший турмуш тарзида ҳам жиддий оқибатларға олиб келган.

10. Ўрганилган даврда жанубий вилоятларда ҳам янги-янги аҳоли манзилгоҳлари, кўплаб турар-жойлар, маданий маиший хизмат кўрсатиши биноларни бунёд этилган. Аммо бу аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тулиқ қондирмади, оқибатда ижтимоий ҳаётда салбий ҳолатлар кучайди. Республиканинг жанубий областларида ҳам аҳолини иш ва уй-жой билан таъминлашда жиддий муаммолар юзаға келган.

11. Тадқиқ этилаётган даврда соғлиқни сақлаш тизимида муассасалар сони ҳам, соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ҳам анча кўпайди. Бирок жаҳон тажрибасидан фойдаланмаслик мазкур соҳаға фан ва техника янгиликларини кенг жалб этмаслик оқибатида соғлиқни сақлаш тизими

сезиларли тарзда ортда қолган. Бу ҳолат айниқса Ўзбекистон ССР нинг жанубий ҳудудларида яққол кузга ташиланган.

12. Совет бошқарув тизимининг табиатидан келиб чиқиб амалга оширилган қайта қуриш сиёсати ҳам ўз мазмун ва моҳияти билан совет давлатини ва коммунистик бошқарув услубини замонга мослаштиришга қаратилганлиги боисидан ҳам бошқарувнинг империяча усулларига барҳам бермади. Бундай шароитда чекланган тарзда ўтказилган ислохотлар совет тузумининг мазмунига таъсир кўрсатмади. XX асрнинг 80-йилларининг охирига келиб бутун иттифокда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маънавий зиддиятлар анча кескинлашган.

Олиб борилган тадқиқот ва хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** билдирилди:

- Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тиклаш даврида фидокорона меҳнат қилган халқ хўжалиги ходимлари ҳамда 1947-1953 йилларда республиканинг жанубий вилоятларида Сталин қатағон зулмига учраган шахсларнинг ҳаёти ҳақида хотираларни тўплаш ва нашр этиш лозим;

• Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлиги шароитида экологик мувозанатнинг бузилиши ва инсон генофондига етказилган зарарнинг оқибатлари ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарур. Бундан ташқари “Пахта иши” туфайли жабр кўрган инсонлар билан интервью ўтказиб, вилоятлардаги музей экспонатларини шу даврга оид фотоальбомлар билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқ;

- Диссертация маълумотлари асосида олий ўқув юртлари талабалари учун Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид реал воқеликни ҳолисона ҳудудлар кесимида таҳлил этилган махсус курс ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш мақсадга мувофиқ;

- Урганилаётган даврда республиканинг жанубий вилоятларида яшаб ижод қилган бироқ асарлари алоҳида китоб ҳолатида чоп этилмаган ёзувчи ва шоирларнинг қўл ёзмаларини тўплаб нашр этиш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ УЧЕНОГО СОВЕТА
PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 ПО**

**ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ПАРДАЕВ ТАШКЕНТБАЙ РАДЖАБОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ НА
ЮЖНЫХ ТЕРРИТОРИЯХ УЗБЕКИСТАНА (1945-1991 гг.)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**



Термез-2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2019.4.DSc/Tar92

Докторская диссертация выполнена в Термезском государственном университете. Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице Научного совета (termizdu@mail.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант:

Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Обломуродов Наим Халимович
доктор исторических наук, профессор

Ражабов Кахрамон Кенжаевич
доктор исторических наук, профессор

Гаффоров Шохир Сафарович
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится 25. НОЯБРЬ 2021 г. в 10 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019. Tar.78.02 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) по историческим наукам при Термезском государственном университете. (Адрес: город Термез, улица Баркамил авлод, дом 43, 2-е здание ТерГУ, 4-й этаж. Конференц-зал). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail termizdu@mail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за № 32) (Адрес: город Термез, улица Баркамил авлод, дом 43). Тел/факс: 03762217690

Автореферат диссертации разослан «15» НОЯБРЯ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 32 от «15» XI 2021 года).


С.Т.Давлатова

Зампредседателя разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.и.н.

Х.Э.Холмуминов

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению учёных степеней, к.и.н., доцент.


Э.А.Кабулов

Председатель разового Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.и.н., доцент.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всё более усиливающиеся процессы глобализации, рост численности населения, интеграция производственных процессов оказывают влияние и на развитие межрегиональных социально-экономических и культурных отношений. Поэтому все большую актуальность приобретает вопрос поиска и реализации развития региона. В рамках программы тысячелетнего развития ООН мировое сообщество и международные организации разрабатывают проекты по социально-экономическому развитию территорий. Несмотря на это ждут своего объективного решения проблемы многих территорий, связанные с социально-экономическим и культурным развитием.

В мировом масштабе в качестве преобладающей тематики широко изучаются такие проблемы, как социальная-экономическая и культурная история Узбекистана, негативные последствия влияния советской идеологии на развитие общества, экономические изменения в крае, социальная жизнь в крае в Советский период и связанные с ней проблемы, демографическое положение на южных территориях, процессы урбанизации, результаты реформ в социальной сфере. Результаты исследования позволили сделать соответствующие и разработать научно-теоретические и практические рекомендации выводы по этим вопросам.

В обновляющемся Узбекистане особое внимание уделяется обеспечению исполнения задач по либерализации, модернизации в соответствии с требованием времени экономики, повышению ее конкурентоспособности, стимулированию частного предпринимательства, малого и среднего бизнеса, созданию свободных экономических зон. Поскольку "практическое разрешение проблем комплексного и пропорционального социально-экономического развития территорий, обеспечения эффективности использования природных сырьевых ресурсов, поднятие их экономического и инвестиционного потенциала служат стабильному и интенсивному развитию территорий"⁸⁰. Понять исторический опыт процессов их развития в территориальном срезе и сделать конкретные научные выводы, несомненно, имеет актуальное значение. Вместе с тем обеспечение равновесия здоровой конкуренции в экономической отрасли и социальной сфере посредством реализации мер, определенных в "Концепции административной реформы в Республике Узбекистан"⁸¹, позволяет модернизировать их в соответствии с требованиями времени, коренным образом совершенствовать систему управления. В обеспечении положительной продуктивности данных реформ важное научное и практическое значение приобретает осуществление анализа особенностей

⁸⁰ Выступление Президента Республики Узбекистан Шааката Мирзиёева на внеочередной сессии Сурхандарьинского областного Совета народных депутатов // <https://president.uz/uz/lists/view/129>

⁸¹ Указ Президента Республики Узбекистан "Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан" // <https://lex.uz/docs/3331174?otherlang=1>

различных этапов социально-экономической жизни и сделать соответствующие выводы.

Настоящее диссертационное исследование в определённой мере служит для выполнения задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-5386 от 29 марта 2018 года “О программе «Обод кишлок», ИП-3182 от 8 августа 2017 года “О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов”, ИП-4702 от 1 мая 2020 года “О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов”, ПП-4864 от 16 октября 2020 года “Об организационных мерах по формированию программ развития социальной и производственной инфраструктуры Республики Узбекистан” и других нормативно-правовых документах.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶². Научные исследования, посвященные вопросу социально-экономической и культурной жизни в регионах в настоящее время, осуществляются в передовых научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе во французском центре Исследования Центральной Азии (French Institute for Central Asian Studies (IFEAC), Франция), Center for Russian and East European Studies, Illinois University (Chicago), Indiana University, Harvard University, (The Central Asia Program (CAP) at George Washington University (США), Центре исследования России и Евразии при Гарвардском университете (The Davis Center for Russian and Eurasian Studies at Harvard University (США), Сеульском Национальном университете (The Seoul National University Asia Center (SNUAC), Республика Корея), Frankfurt University в Германии, университете имени Гумбольдта (Humboldt-Universität zu Berlin, Германия), International relations multidisciplinary doctoral school (Польша), Будапештском университете имени Корвина (The Center for Central Asia Research of Corvinus University of Budapest, Венгрия), Институте стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, (Российская Федерация).

В результате мировых исследований получены следующие результаты: сделаны научно обоснованные заключения о влиянии экономических изменений в бывшей стране советов на жизнь региона, формировании хлопковой промышленности, миграциях в колхозах, специфических особенностях изменений в мусульманском обществе (French Institute for

⁶² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://ifeac.hypotheses.org/>; <https://www.centralasiaprogram.org/>; <https://daviscenter.fas.harvard.edu/research-initiatives/program-central-asia/>; <https://snuac.snu.ac.kr/eng/index.php/research/regional-research/center-for-urasian-and-central-asian-studies/>; <https://www.igaw.hu-berlin.de/de>; <http://www.cccar.hu/>; <http://ias.msu.ru/index.php/ru/>.

Central Asian Studies (IFEAC), Франция); приведены сведения об изменениях в экономической отрасли, ведению хозяйства и оросительных системах в крае (The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia, США); проанализированы социальная жизнь в Средней Азии в советский период и связанные с ней проблемы (Harvard University, США), приведены сведения о состоянии сельского хозяйства, методах его ведения и показателях в Узбекской ССР, южных областях Узбекистана (Russian Research Institute, США); предложены решения вопросов об экономических процессах, возникших социальных проблемах в результате административной политики, которую осуществляла советская власть в крае, и возможностях их устранения (The Central Asia Program (CAP) at George Washington University, США); показаны механизмы социально-экономического развития городов посредством социальных трансформаций положения, возникшего в результате кризиса социалистической экономической системы (The Davis Center for Russian and Eurasian Studies at Harvard University, США); разработаны обоснованные теоретические рекомендации по вопросам движения товаров, капитала и людского потока на пограничных и приграничных территориях Центральной Азии после распада советского союза, факторы исламской религии в повседневном образе жизни (The Seoul National University Asia Center (SNUAC), Республика Корея); раскрыты негативные последствия влияния идеологии советского государства на развитие общества (Frankfurt University, Германия); проанализированы результаты сформированных на территории стратегии и опыта в сфере борьбы с критическим положением, бедностью, возникших в результате естественных изменений в Амударьинском бассейне (Humboldt-Universität zu Berlin, Германия); раскрыто, что господство хлопковой монокультуры вызвало принудительную миграцию (International relations multidisciplinary doctoral school, Польша); разработаны рекомендации по стабильному и ускоренному экономическому развитию территорий в условиях геополитических и геоэкономических изменений, попыток внедрения различных проектов (The Center for Central Asia Research of Corvinus University of Budapest, Венгрия); разработаны методы моделирования и прогнозирования социально-экономического развития на основе сравнительного изучения национально-экономических структур и процессов воспроизводства на территории (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Российская Федерация).

Породождается ряд исследований, имеющих отношение к политике советского государства по отношению к национальным республикам, централизации народного хозяйства и ее влияние на социально-экономическую жизнь, в частности, приоритетными направлениями этих исследований являются следующие: негативные последствия влияния коммунистической идеологии на развитие общества, раскрытие особенностей системы управления советского правительства, изменения в экономике, противоречивые стороны вопросов планирования народного хозяйства.

отражение процесса возникновения монокультуры хлопка и его негативных последствий, проблемы в обеспечении производства национальными квалифицированными кадрами, раскрытие противоречивых сторон социалистического распределения труда, демографическое положение на территориях, процессы урбанизации, анализ проблем в вопросах, связанных с социальной жизнью, изменения в культурной жизни, изучение негативных последствий влияния советской идеологии на жизнь.

Степень изученности проблемы. В посвященной социально-экономической и культурной жизни Узбекистана в 1945-1991 годах различного рода литературе раскрыты особенности проанализированного в научном отношении исследуемого периода и его особенностей. Однако, эти исследования носят общий характер, они не содержат полноценный анализ в разрезе территорий. Несмотря на это, относящиеся к теме научно-исследовательские работы и литературу с историографической точки зрения можно разделить на три группы.

Первая группа - это работы, созданные в советский период, вторая группа - литература, опубликованная в период независимости. Третью группу составляют исследования, изданные за рубежом.

Литература, относящаяся к первой группе, создана в период советской власти, эти работы в рамках господства коммунистического мировоззрения подходили к освещению действительности с точки зрения советской идеологии. В результате, историческая действительность освещалась односторонне, раскрывались только успехи и достигнутые рубежи. В советский период был создан ряд научных исследований, посвященных развитию промышленности и строительству промышленных предприятий. Среди них можно отметить работы С. Зиядуллаева, Дж. Улмасбоева, В. Кудряшова, К. Косимова, Х. Джураева, С. Корабоева, Ш. Р. Марасулова, А. Джуракулова, А. Уролова, К. Каримова, которые имеют непосредственное отношение к изучаемой теме⁸³. В исследуемый период также был выполнен ряд диссертационных работ, посвященных истории индустрии Узбекистана. К ним можно отнести исследования Ф. Исхокова, Д. Бабаджановой и Б.Хасанова⁸⁴.

